

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси

ЮЛДАШЕВ ШАХБОЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИДА МАЪНАВИЯТ
МАСАЛАЛАРИ

5141500 Миллий ғоя, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими йўналиши

бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган

битирув малакавий иш

Иш раҳбари: доцент Т.Т.Мадумаров

Андижон – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-5
-------------------	------------

I-БОБ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	6-26
---	-------------

I.1 Ислом Каримов томонидан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг моҳияти.....	6-14
---	------

I.2 Ислом Каримовнинг маънавият тушунчасига таърифи, унинг назарий ва методологик аҳамияти.....	15-21
---	-------

I.3 Мустақиллик йилларида миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари.....	21-26
---	-------

II-БОБ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АСАРЛАРИДА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ШАРҚОНА ТАЪРИФИ ВА БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ҲОЯЛАРИ.....	27-40
--	--------------

II.1 Ислом Каримов маънавий баркамол инсонни тарбиялаш замон талаби эканлиги тўғрисида.....	27-30
---	-------

II.2 Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.....	31-35
--	-------

II.3 Комил инсон ва унинг Шарқона фазилатлари.....	36-40
--	-------

ХУЛОСА.....	41-45
--------------------	--------------

Таянч иборалар.....	46-47
----------------------------	--------------

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	48-51
--	--------------

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ушбу мақсадга эришишнинг энг одил йўли жамиятнинг маънавий қиёфасини шакллантириш ва баркамол авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш энг устувор вазифа ҳисобланади. Бунинг ёрқин мисолини президентимиз асарларида маънавиятга қаратилган этибор орқали кўришимиз мумкин.

Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. У ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлса ҳам, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукамал, фундаментал дастур бўлган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти» номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифа-ларини ҳам белгилаб берди. Умуман бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Чунки унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўзининг ифодасини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

Бугунги кунда ҳам Президентимиз асарларида маънавият масаласи шу нуқтаи назардан қараганда ўзига хос долзарбликни касб этмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар ушбу мавзунни бир қанча олимлар хусусан файласуфлар, сиёсатчилар, тарихчилар ва жамиятшунос олимлар ўрганганлар. Улардан қуйидагиларни таъкидлаб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади. Мусурмонова О. Оила маънавиятини ёритишда президентимиз асарларига кенг тўхталиб ўтган бўлса, Носирхўжаев С.Х. Маънавият асослари дарслигини тайёрлашда кенг фойдаланган. Шунингдек Отамуродов С ва Саифназаров И каби олимлар маънавият асосларини илмий негизларини шакллантиришда юртбошимиз асарларидан фойдаланиб асослаб берган.

Тадқиқотнинг предмети президентимиз И. Каримов асарларида маънавият масалаларини ўрганишга қаратилган.

Тадқиқотнинг асосий мақсади президентимиз И. Каримов асарларида маънавият масалаларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари—қуйидагилардан иборат:

- Ислом Каримов томонидан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг моҳиятини ўрганиш.
- Ислом Каримовнинг маънавият тушунчасига таърифи, унинг назарий ва методологик аҳамиятини ўрганиш ва қўллаш.
- Мустақиллик йилларида миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматларини ўрганиш ва ёш авлодга тушунтириш.
- Ислом Каримов маънавий баркамол инсонни тарбиялаш замон талаби эканлиги тўғрисидаги қарашларини ўрганиш.
- Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳиятини очиқ бериш.
- Комил инсон ва унинг Шарқона фазилатларини ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг методологик назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг барча асарлари маърузалари ва маънавий қарашлари ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Ушбу тадқиқот кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

I.1 Ислом Каримов томонидан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унинг моҳияти.

Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бириидхисобланади чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. У ўзининг ҳажми жиҳатдан кичик бўлса ҳам, аммо мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий-назарий асосларини акс эттирилиши жиҳатдан мукамал, фундаментал дастур бўлган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти» номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифа-ларини ҳам белгилаб берди. Умуман бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Чунки унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўзининг ифодасини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлан-тиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини белгилаб берар экан, «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади» - деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради.

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т: Ўзбекистон, 1993, 74-бет.

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиб берилган. Жумладан, Ислом Каримов шундай ёзади: «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи - халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.

Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил-қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб - асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир»².

Кўриниб турибдики, Президентимиз ўз асарида маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини белгилаб берган.

Муаллиф халқимизнинг маънавий илдишлари чуқур эканлигини алоҳида таъкидлайди, уларни қайта тиклаш ва янги мазмун билан бойитиш зарурлигини стратегик вазифа сифатида белгилайди. Бу масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаётганимизга асосий сабаб шуки, муаллиф кейинги асарларида ҳам маънавий меросимизни қайта тиклаш ғоясини ижодий ривожлантиради ва унинг миллатимиз маънавий тараққиёти учун асосий йўналиш бўлишини асослаб беради.

Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратади. Жумладан, «Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир».

Худди мана шу фазилатларимизнинг моҳиятини талабаларга етказиш муаллимнинг диққат марказида бўлиши зарур. Чунки миллий маънавиятимизнинг асосий манбалари ана шунга бориб тақалади. Бугунги ёшларимиз бунинг моҳиятига етиб боришлари зарурдир.

Асарда маънавиятнинг халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги роли ҳам асослаб берилган. Жумладан, Президентимиз шундай ёзади: «Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган»³.

² Ўша жойда.

³ Ўша асар 78-бет.

Маънавиятнинг миллий тараққиётидаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган: «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади»⁴.

Маърузани ўқиш жараёнида муаллим талабаларга бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантириш давлат сиёсатида устивор вазифа сифатида белгиланганлигини Президентнинг юқоридаги ғояларини чуқур тушунтириш орқали асослаб бериши лозим.

Ислом Каримов ўз асарида мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатида устивор вазифа эканлигига эътиборни қаратиб қуйидаги концептуал ғояни илгари суради. У шундай ёзади: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди...»

Президентимиз томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки: биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирозининг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий-руҳиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигига асосий эътиборни қаратган.

Президентимизнинг яна бир муҳим концептуал ғояси маънавият шахснинг энг муҳим мезони ва шунинг билан бирга уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англлатувчи ва ўз имкониятларини юзага чиқартирувчи улкан омил эканлигини илмий асослаганлигидир.

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварликнинг шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз Ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади. Муаллим талабалар диққатини худди мана шу ғоянинг моҳиятини тушуниб етишга қаратиши лозим.

⁴ Ўша жойда.

Президентимиз мазкур асардаги миллий-маънавий тикланиш вазифасини амалга оширишга бағишланган концепцияларини ўзининг бошқа асарларида ижодий ривожлантирган, янги мазмун билан бойитган, тараққиётимизнинг янги босқичида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжларига мос равишда унинг янги йўналишларини белгилаб берган.

Хусусан, улар «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Амир Темур - фахримиз, ғуруримиз», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафқураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин», «Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз («Туркистон» газетасининг мухбири саволларига жавоблар)», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда («Туркистон пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар)», «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз», «Миллий мафкура - келажак пойдевори», «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман («Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар)» каби асарлари, нутқлари ва мухбирлар саволларида ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг юқоридаги асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- маънавий мерос ва диний қадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эришиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;
- мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;
- таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-этиқоди бугун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодимизни шакллантириш;
- миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

- ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

- инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир. Маърузачи Президентимиз асарларида илгари сурилган ана шу концептуал ғояларни асарлар бўйича мукамал баён қилиб бериши зарур бўлади.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиши, шунинг билан бирга истиқболи учун ҳам куч, фидойилик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузоллар, олиму-уломлар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан.

Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди»⁵ - деб таъкидлайди. Унинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»⁶ - деган ғояларида ҳар бир ватандошимизнинг, айниқса ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиш зарурлиги миллий маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Ислом Каримов миллий мафкуранинг миллий маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Миллий мафкура-миллатни бирлаштиради, мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Миллий мафкура воситасида эл-юрт бирлашади ўз олдида буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади⁷»-деб таъкидлайди. Президентимиз ўз навбатида миллий ғоянинг вазифаларини аниқ белгилаб беради: «... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишлик олийжаноб

⁵ Каримов И.А. Тарихий ҳожираимиз келажак йўқ. Т: Шарқ, 1998, 3-4 бетлар.

⁶ Ўша асарда 5, 10-бетлар.

⁷ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон. 1998, 4,2,15-бетлар.

ишларимизда мададкор бўлиши зарур»⁸ лигини белгилаб беради. Мамлакатимиз бугунги кунда тоталитар тузум ҳукумронлигидан озод бўлиб демократик жамиятни қуриш сари дадил қадам ташламоқда. Табиийки, жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўровонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли инсон манфатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиш осон кечмайди, чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб туради. Ўз умрини узайтириш учун жон жаҳди билан қаршилик кўрсатади, янги жамият эса қисқа муҳлатда қурилмайди, балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидойилик билан меҳнат қилишларини талаб этади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият таффаққурини шакллантириш муҳим вазифа даражасига кўтарилади.

Мамлакатимизда ана шу буюк муаммоларни ҳал этиш жараёнлари кетмоқда. Уларни маваффақиятли ҳал этишда эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишми зарур. Шунинг учун ҳам президентимиз оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаб ҳолатда кечаётганлига қарамасдан кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга тадбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди ҳамда уни амалга оширишда раҳбарлик қилмоқда. У Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида бу дастурнинг аҳамиятини шундай таъкидлади: «Ўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохатларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири - буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли, мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз»⁹.

Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал ғояси соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш заруриятини илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, руҳан бақувват бўлиши, юксак билим, маънавият, тафаккур ва фидойи ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлодни назарда тутилади. Шунинг учун ҳам у

⁸ Ўша асар. 15-бет.

⁹ Баркамол авлод орзуси. Т: Шарқ, 1999, 9-бет.

«...фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади»¹⁰ - деган ғояни илгари суради.

Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланган.

Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукамал эгалласа, мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссалари шунчалик самарали бўлади, маънавият юксалади ва мамлакатнинг ҳозирги замон жаҳон цивилизация тизимида кириб бориши тезлашади.

Президентимиз ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, у «Фидокор» газетаси муҳбири берган саволларига берган жавобларида дунё халқлари маънавий мулкига айланган файласуфларнинг асарлари ҳалигача ўзбек тилида ёшларимизга етиб бормаганлигини қаттиқ танқид қилиб шундай таъкидлайди: «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?»¹¹.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики Президентимиз миллий-маънавий ривожланишимизни жаҳон халқларининг илғор маънавият тафаккури тараққиёти билан уйғун равишда ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланишнинг илмий-назарий концепцияси жуда катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу мустақиллик йилларида маънавий тараққиётимизда қўлга киритилган ютуқлар мисолида ўз тасдиғини топди.

¹⁰ Президент И.А.Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи: -Халқ сўзи, 1999 йил 8 декабр.

¹¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 йил, 34-35 бетлар.

I.2 Ислом Каримовнинг маънавият тушунчасига таърифи, унинг назарий ва методологик аҳамияти.

Маънавиятнинг инсон ва миллат камолотидаги ҳамда жамият тараққиётидаги ўрнини аниқ билиб олиш ҳамда шу асосда уни ривожлантириш, унинг моҳиятини ҳамда мазмунини илмий таҳлил қилишни тақозо этади.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, собиқ шўролар тизими шароитида маънавият бугунги ҳолатда ўрганилмаган. У маънавий маданиятнинг тармоғи сифатида ёки олимлар асарларида тилга олинган ҳолос.

Бу жуда мураккаб масалага шу даражада «эътиборсизлик» атайлаб қилинган. Чунки у шахс ва миллатнинг ички руҳий салоҳияти билан боғлиқ бўлган омилдир, шунинг учун шахснинг руҳий оламига кириб бориш, уни мустақил фикр юритишга, миллатнинг эса маънавий-руҳий оламини юзага чиқариш, унинг ўзини ўзи англашга, ўз мустақиллигини қўлга киритиш ва ўзи хоҳлаган тараққиёт йўлидан боришига йўл қўймаслик давлатнинг расмий сиёсати даражасига кўтарилган эди.

Тўғри, миллий маданият ҳақида кўп ёзилган ва кўп гапирилган, аммо номи айтилса ҳам амалда «ягона» совет адабиёти, санъати, ахлоқи ва ҳақозолар шаклида акс эттирилган. Бундан кўзланган мақсад шахс ва миллатни маънавий қашшоқ қилиш, уни тоталитаризм тузумига хизмат қилдириш ва итоатда ушлаб туриш эди.

Шўроларнинг худди мана шу жирканч мақсадларини талаба ёшларга кенг тушунтириб беришга маърузачи эътиборини қаратиши зарур.

Маънавиятни шахс, миллат, давлат ва жамиятнинг қудратли кучи сифатида ўрганиш фақат мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди. Уни бу шаклда ўрганиш эса ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мустақиллик шароитидаги миллий тафаккур тараққиётимизда янги йўналишдир. Бу йўналишнинг пайдо бўлишини ва унинг концептуал ғояларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Унинг асарлари, рисоалари, маърузаларида маънавият тушунчаси моҳияти очиб берилган. Бу маънавиятни мустақил омил сифатида ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки ҳар қандай илгари сурилаётган ғояларнинг моҳияти очиб берилмас экан, унинг жамият тараққиётида миллат ва шахс камолотидаги ролини белгилаш мумкин бўлмайди.

Президентимиз миллий тараққиётимизнинг дастури даражасига айланган биринчи асари «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли» даёқ маънавиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини очиб бериб шундай ёзган эди: «Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчилик билан маънавият чашмасини излайди»¹².

Мамлакатда ўтказилаётган ислоҳатлар ва унинг вазифаларини белгилаб беришда Президентимиз яна маънавиятни ривожлантириш масаласига қайтиб шундай ёзади: «Моддий ислоҳатлар, иқтисодий ислоҳатлар - ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислоҳатлар - қуллик, муътелик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш - бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда»¹³.

Президентимиз маънавият тушунчаси мазмунини очиб берар экан: «Ёр, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик - маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг»¹⁴ - деб таъкидлайди.

Маънавият ўз-ўзидан шаклланадиган нарсаси эмас, у аввало ҳар бир инсоннинг ички маънавий салоҳиятини шакллантириш йўлида барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол, фидойилик билан меҳнат қилиш жараёнида шаклланади. Шу маънода ҳам Президентимиз «Маънавият - тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол тапиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»¹⁵ лигини таъкидлайди.

Талабаларга Президентимиз томонидан илгари сурилаётган худди мана шу концептуал ғоянинг моҳиятини тушунтириб бериш катта аҳамиятга моликдир. Талаба ўзининг кундалик ҳаётида миллат ва Ватан манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш руҳиятига эга бўлсин.

Президентимиз асарларини кунт билан ўрганиб борар экансиз, уларда олдинги асарларда илгари сурилган ғоялар кейингиларида ижодий ривожлантирилган, мазмунан ва

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар суҳбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т: Ўзбекистон, 1996, Т.1, 202-бет.

¹⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар суҳбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 78-бет.

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. (Нутқлар, мақолалар суҳбатлар). Т: Ўзбекистон, 1993, 79-бет.

моҳиятан бойитилганлигини кўрамиз. Энг асосийси шундаки, ана шу бойитиш жараёнида жамият ва миллатимиз тараққиётида содир бўлган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда юзага келган янги муаммоларни ҳал этишнинг назарий асослари ўз ифодасини топган. Жумладан, у Олий Мажлиснинг XIV-сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги маърузасида маънавият тушунчасига қуйидаги фундаментал таърифни беради: «Маънавият... инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч...»¹⁶ дир.

Бу таъриф ўзининг мазмуни ва моҳияти билан маънавият тушунчасини ўзида тўла акс этган. Унда инсоннинг ички руҳий оламини ифодаловчи барча компонентлар ўз ифодасини топган ва унинг инсон баркамоллигини таъминлашдаги катта қуч эканлиги белгилаб берилган. Шу муносабат билан маънавиятнинг жамиятни ривожланишидаги роли ҳақида Президентимиз томонидан келтирилган қуйидаги фикрларининг моҳиятини тушуниб олиб, уни бевосита ҳар биримиз ўзимизнинг кундалик вазифамизга айлантиришимиз миллатимиз ва мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун муҳим амалий аҳамиятга эгадир. «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир»¹⁷.

Президентимиз маънавиятнинг моҳиятини очиб бериш билан бир вақтда бу соҳада амалга оширилиши керак бўлган ислохотларнинг стратегик йўналишларини ҳам белгилаб беради. Шу жумладан, у «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида қуйидагиларни таъкидлайди: «... **авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрга эга бўлган баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилятларини қарор топтириш, уларнинг, мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришишидир**»¹⁸.

¹⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т: Ўзбекистон, 1999, 17-бет.

¹⁷ Ўша асар 18-бет.

¹⁸ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2000 й, 12-13 бетлар.

Бу кўрсатилган концептуал вазифаларни муваффақиятли амалга ошира олсак президентимиз томонидан жамиятни маънавий янгилаш борасида белгилаб берган кўрсатмаларини бажара олишимиз мумкин бўлади. Белгиланган бу вазифалар Ватанимиз ва миллатимиз истиқболи учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини тараққиётимизнинг ўтган даври тўла тасдиқлади.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш концепциясининг жуда катта назарий ва методологик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фикримизча уларнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, бу концепция собиқ шўроларнинг тоталитар тузуми шароитида бой миллий-маънавий маданиятимизнинг инқирозга юз тутганлигини ва унинг сабабларини тушунишга;

иккинчидан, собиқ шўроларнинг ўтказган зўравонлиги, зулми ва жинояткорона хатти-ҳаракатларига қарамасдан, миллий-маънавий меросимизнинг илдизлари мустаҳкам бўлганлиги учун бу зўравонликларга бардош бериб, ўз салоҳияти ва хусусиятларини сақлаб қололганлигини тушуниб етишга, худди шунингдек, ана шу омил мустақиллигимиз шароитида куч, қудрат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларимиз учун манба бўлаётганлигини тушуниб етишга;

учинчидан, ҳар бир миллат, у сон жиҳатдан кичикми, ёки каттами ундан қатъий назар мустақиллик уларнинг ҳар бири учун ҳаво ва сувдек зарур эканлигини, фақат мустақиллик миллатни миллий-маънавиятини сақлаб қолишга, уни ривожлантиришга ва кейинги авлодга етказиш бахтига муяссар этадиган асосий омил эканлигини тушунишга, бу эса ҳар бир миллатдошимиз ва ватандошимизнинг мустақилликдек улуғ неъматни сақлаб қолиши учун фидоийлик кўрсатиши маънавиятнинг юксак белгиси эканлигини қалбан ҳис этишга имкон беради;

тўртинчидан, миллий-маънавий тикланишнинг моҳиятини, «маънавият» тушунчаси, унинг шахс, миллат камолоти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини билиб олишга, уни ривожлантириш учун меросимизни чуқур ўзлаштириш, тинмай изланиш, маърифат, фан, техника ва технология ютуқларини сабот билан ўзлаштириш ҳамда Президентимизнинг бугунги тараққиётимизни таъминлайдиган «куч - билим ва тафаккурда» - деган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган концептуал ғоясига изчиллик билан амал қилишимиз;

бешинчидан, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ислохотларни амалга ошириш жараёнида миллий-маънавий тикланишимиз олдида турган вазифалар кўламини билиб олишга ва уни амалга оширишда умуммиллий сафарбарлик ҳаракатини авж олдиришда фидоийлик кўрсатиш зарурлигини;

олтинчидан, талаба ёшларнинг миллий-маънавий тикланиш борасида улар олдида турган вазифаларни билиб олишга, миллий ғурур, ифтихор, фидоийлик, ватанпарварлик, инсонийлик каби олийжаноб фазилатларни шакллантириш - мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизнинг асосий шарти эканлигини тушуниб етиш;

еттинчидан, миллий истиқлол ғоянинг маъно ва мазмунини чуқур англашимизга, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида маънавий янгилишимиз борасидаги стратегик вазифаларимизнинг асосий йўналишларини ва кўламини чуқур билиб олишимиз ҳамда уларни амалга оширишда фидоийлик кўрсатишимизнинг аҳамиятини тушуниб етишимиз зарурлиги кабилардир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан ишлаб чиқарилган миллий маънавий тикланиш илмий-назарий концепцияси жуда катта назарий, методологик ва амалий аҳамиятга эгадир. Бу концепция келажакда масалани яна ҳам чуқурроқ ўрганишимиз учун асос бўлади.

I.3 Мустақиллик йилларида миллий маънавиятнинг тикланиши ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари.

Ўзбек халқи 130 йилча мустамлакачилик истибдоди остида яшади. Бу давр мобайнида унинг миллий-маънавий мероси паймол этилди, тарихи сохталаштирилди, илмий, маданий бинобарин маънавий меросга ниглистик қараш ҳукм суриб чеклаб қўйилди. Халқимизнинг онги сал бўлмаса ижтимоий адолатсизлик, маънавиятсизлик, нопоклик ва ёвузликка қаршилик кўрсатолмай юввош яшайверишга кўникиб қолаётган эди. Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз тарихий-маънавий меросидан тўлақонли, эркин-эмин фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиб келди.

Мустақилликка эришишимиздан аввал: ким Имом ал-Бухорий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Имом ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Матрудий, ал-Марғиноний, Ғаззолий, Нақшбанд каби алломаларимизнинг номини тилга олар, улар қолдирган бой маънавий меросни ўрганиш имкониятига эга эди?;

Ким Қуръони Каримни, Ҳадисларни, дину-исломни эркин ўқий ва ўргана оларди?;

Ким Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо сингари маънавий маданиятимизнинг юлдузлари бўлган буюк зотлар номини эркин-эмин тилга олар эди?;

Ким Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат, Бехбудий каби маърифатпарвар, миллатпарвар бўлган улуғ зотларни эслай оларди?;

Бу каби саволларнинг сон-саноғи йўқ. Мана шуларнинг ўзи ҳам миллий маънавиятимизнинг нақадар топталганлигини таъкидловчи мисоллардир.

Фақат мустақилликни қўлга олишимиз шарофати туфайлигина маънавий меросимизни, кўхна ва навқирон тарихимизни ўрганиш, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрнимизни тиклаш ва демократик жамият куришдек бахтга мушарраф бўлдик.

Бундай имкониятларни қўлга киритишимизда халқимизнинг сеvimли фарзанди, улкан давлат ва сиёсат арбоби, етук олим, ватанпарвар ва миллатпарвар инсон Ислом Каримовнинг етакчилик ва раҳбарлик роли асосий рол ўйнади.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги йиллар ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик вужудга келтирилди, бозор муносабатларига ўтиб бормоқдамиз, миллий маънавий покланиш ва тикланишимизнинг мураккаб вазифаларини вазминлик билан амалга оширмоқдамиз.

Президентимизнинг миллий маънавий тикланишимиз борасида қилган хизматлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг концептуал ғояларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ана шуларни амалга ошириш борасида қилаётган катта хизматлари ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Жумладан, 1994 йилдаёқ республикаимизда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш тўғрисида фармон чиқарганлари, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётганликларини айтиш жоиз. Мустақиллик йилларида маънавий меросимиз раҳнаmolари номлари тикланди, улар таваллуд топган кунлар нишонланмоқда, асарлари чоп этилди ва этилмоқда. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги; Нажмиддин Кубро таваллудининг

850 йиллиги кенг нишонланди. 1998 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратларининг 1225 йилликлари, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги, А.Қахҳорнинг 100 йиллиги нишонланишида бош-қош бўлганликларини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йиллари Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилиниб кўп нусхада чоп этилди. Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик ҳадисларини чоп этиш тугалланди. Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» тўплами чоп этилди. Кўплаб Қуръони Карим шарҳларига оид китоблар ҳам чоп этилганлигини ва улардан халқимиз баҳраманд бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мустақиллик йиллари Ийди Рамазон ва Қурбон Ҳайит кунлари диний кадриятларимизнинг байрами сифатида нишонланмоқда. Наврўз умумхалқ байрами сифатида халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳар йили 3000 дан ортиқ ватандошларимиз муборак ҳаж сафарларини адо этмоқдалар. Мустақиллик йиллари кўплаб масжид ва мадрасалар таъмирланди.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзоларнинг номи қайта тикланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг эса 600 йиллиги кенг нишонланди ва шу муносабат билан юртимизда беқиёс маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик туфайли миллий истиқлолимиз курашчилари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Бехбудий ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди, улар таваллуд топган кунлар умуммиллий байрам сифатида нишонланди.

Қатағон йилларида миллатимиз мустақиллигини таъминлаш йўлида қурбон бўлган халқимизнинг ана шу севикли фарзандларининг муборак номларини абадийлаштириш мақсадида Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Шаҳидлар ҳиёбони барпо этилди.

Узоқ тарихимиз, бой маданиятимиз, серқирра маънавиятимиздан гувоҳлик берувчи Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари 1997 йилда катта тантаналар билан нишонланди.

Вазирлар маҳкамасининг қарорига биноан халқимизнинг миллий қаҳрамони буюк ватанпарвар Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, халқимизнинг буюк мероси ҳисобланган «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, миллий-маънавиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк давлат арбоби, фан ҳомийси Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Отаҳийнинг 190 йилликлари 1999 йилда кенг нишонланди.

Бу йил эса илоҳиёт илмининг дарғаси Абу Мансур ал-Мотуридийнинг муборак юбилейи, келгуси йил яна бир улкан меросимиз ҳисобланган «Авесто»нинг 2700 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарликлар кетмоқда.

Ўзбек тилининг давлат тили даражасига айланиши борасида бир қатор ижодий ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлат идораларида иш юритиш, шаҳарларда кўчалар ва жойларни номлашда тарихий ҳақиқат тикланмоқда. Маънавий меросимиз саналган кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима этилмоқда. Хуллас, мустақиллик йиллари биз учун ўзбек тилининг халқ ва давлат ҳаётидаги асосий аҳамияти ва ўрнини тиклаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу тариқа миллатнинг кадр-қиммати, мустақил давлатимизнинг кадр-қиммати мустаҳкамланди, мактаблар ва олий ўқув юртларида ўзбек тилини русийзабон ёшларнинг ўрганиши учун ҳам катта имкониятлар яратиб берилмоқда.

Мустақиллик йиллари маънавиятимизнинг муҳим элементи ҳисобланган таълим ва тарбия тизимига миллий руҳ бағишлашда бир қатор ишлар амалга оширилди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида «Таълим тўғрисида қонун», «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ва «Соғлом авлод дастури»нинг қабул қилиниши миллий маънавиятимизнинг юксалишида, мамлакатимизнинг келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, миллатимизнинг обрў-эътиборининг ошиб боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг энг иқтидорли 2000 дан ортиқ ёшлари ривожланган хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар. «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид», «Устоз» каби жамғармалар ҳам Президентимиз ташаббуси билан вужудга келди. Улар бугунги кунда таълим, тарбия ва миллий маънавиятимизни ривожлантириш ишларига катта ёрдам бермоқда. Энг муҳими бугунги кунда мустақиллигимиз таъминланди, миллатимиз кадрини, ғурурини, ор-номусини, миллий-маънавий меросимизни тиклаш борасидаги ҳаракатимиз Президентимиз раҳнамолигида ҳақиқатга айланди.

Бу ҳақиқат. Бундан ҳеч ким, хатто муҳолифларимиз ҳам кўз юмолмайди. Бу муваффақиятларимиз ўтмишда фақат орзу эди, холос. Қилинган ишлар, маънавий меросимизни ўзлаштириш, миллий ўзлигимизни англаш ва бошқа кўплаб маънавий ҳаётимизда содир этилган ўзгаришлар мустақиллигимизнинг меваси ҳисобланади.

Шунинг билан бир қаторда миллий-маънавий тикланиш борасида кўлами жиҳатидан жуда катта вазифалар турибди. Биз миллатимиз тарихи ва меросини чуқур ўрганишимиз лозим бўлади. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Биз халқни номи

билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз»¹⁹.

Юқорида келтирилган ютуқларни қўлга киритишимизни халқимиз адолатли равишда Президентимиз номи билан боғлайди.

Миллий-маънавий тикланишимиз борасида Президентимиз томонидан амалга оширилган муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар қаторига яна қуйидагиларни қўшиш лозим бўлади:

а) миллий-маънавий тикланишимизнинг илмий-назарий концепциясини ишлаб чиққанлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг XXI асрдаги вазифаларини белгилаб берганлиги;

б) миллий-маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб берганлиги ва унинг фақат миллий, ижтимоий-маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг билан бирга умумијтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади.

Ислом Каримов томонидан амалга оширилган барча ишлар халқимизнинг қаддини кўтармоқда, ўзлигини англашга ва мамлакатимизнинг ривожланишига хизмат қилмоқда, миллатимиз абадийлигини мустаҳкамламоқда.

Мазкур мавзуда маъруза ўқилганда юқорида келтирилган ҳар бир ғоянинг моҳияти ва мазмунини тушунтиришда муаллим масалани ҳар томонлама кенгайтирган ҳолда талабаларга етказишга эътиборини қаратиши лозим бўлади. Энг муҳими, талабалар ўқилган маърузадан келиб чиққан ҳолда, қўтарилган масалаларни кенгроқ, чуқурроқ ўрганиб, амалий машғулотларда, реферат ёзишда мустақил фикр юритиш ҳамда чуқур ўзлаштиришлари лозим.

¹⁹ Каримов И.А. Тарихий ғотирасиз келажак йўқ. 9-бет.

II-БОБ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АСАРЛАРИДА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ШАРҚОНА ТАЪРИФИ ВА БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ҲОЯЛАРИ

II.1 Ислом Каримов маънавий баркамол инсонни тарбиялаш замона талаби эканлиги тўғрисида.

Бугунги кунда маънавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта ва узлуксиз эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда. «Зеро, - деб уқтиради Ислом Каримов, - биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз»²⁰.

Эркесвар халқимиз мустақиллик туфайли ўз ери, ўз тили, ўз динига эга бўлди; миллий ғурури, иззат обрўси тикланиб, эндиликда қадриятларимиз, маънавий меросимиздан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик ва маънавият бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалардир. Маънавияти буюк халқни қул қилиш, абадий истибдод зулми остида сақлаш мумкин эмас. Бундай маънавиятнинг камол топиши, қалбларга сингиши учун Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам лозим бўлади. Қудратли келажаги буюк давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислохотлар қудратли маънавият замирида вужудга келади. Ҳар бир алоҳида шахснинг ва бутун миллатнинг маънавий камолоти орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этилади. Давлатимиз раҳбари шу боис ҳам маънавият ва маърифатга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Шу оқилона сиёсат туфайли халқимиз ўзлигини таниб, ўз шажарасини идрок этмоқда, тарих олдидаги вазифасини англаб олмоқда.

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида, ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Ислохотларнинг биринчи босқичида миллий маънавиятни юксалтириш йўлида кўзланган мақсад тўла амалга оширилди ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга замин ҳозирланди. Маънавий, мафжуравий парокандалик даврига барҳам берилди. Ижтимоий ҳодисалар билан бирга миллий маънавиятимиз юксала борди. Юртбошимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш

²⁰ Каримов И. Келажакни жасоратли одамлар қуради. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 17-феврал.

йўлида» асарида таъкидлаганидек: «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгиланиш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли олға силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир...»²¹. Ҳақиқатан фақат маънавий эркин ва озод халқ теран ва комил тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин. Бошқача айтганда, фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислохатларга тайёр бўлиши мумкин²².

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борада хўжақўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилиқ ва лўттибозликка йўл қўйиб бўлмайди. Кишиларда, хусусан ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг қўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янгича тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста-секин амалга ошадиган жараён бўлганлиги сабабли тарихнинг бурилиш даврларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган мудҳиш воқеалар яққол мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш даврларида объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларни чуқур англаб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим. Мамлакатимиз раҳбарияти буни тўғри англаб, бундай ҳолатларнинг қалқиб юзага чиқишининг олдини фақат одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мистақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш орқалигина олиш мумкинлигини, мустақиллик тафаккури, маънавиятини шакллантириш, мақсад, вазифа, воситалари йўлларини излаб топиш, ҳаётга жорий этиш орқали ҳал этиш мумкинлигини таъкидлаб келмоқда²³. Зотан, ёш мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур. Шунинг учун ҳам юртбошимиз «Юксак маънавият - келажак пойдевори» деган хикматли шиорни янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан бири бўлиб қолди.

²¹ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. 299-300-бетлар.

²² Ўша жойда, 306-бет.

²³ Ислоҳ Каримов. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 13-14 бетлар.

Маънавиятли ва эътиқодли кишилар ўз маслаги, ватани учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрдирлар.

Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган даврда маънавий-ахлоқий кадриятларнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги маънавий баркамол авлодни тарбиялашни энг долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Шу маънода юртбошимиз Ислон Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» номли маърузаларидаги қуйидаги фикрларига эътиборни қаратмоқ лозим: «Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади - иймон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялашдан иборат»²⁴. Бозор муносабатларида ҳам юксак маънавиятли ва ахлоқ-одобли, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, ишбилармон, ишчан кишилар зарур. Қашшоқ маънавият, маънавий-ахлоқий султ, билим савияси юзаки ва паст, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатларида кўзланган мақсадга эриша олмайдилар. Бундан хулоса шуки, ҳеч кечиктирмай, иккиланмай маънавий-маърифий тарбия масаласи ҳақида ўйлаш, уни тўғри йўлга солиш вазифаси келиб чиқади. Бунда биз маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир», деган ўғитига амал қилишимиз зарур.

Эндиликда, маънавий ва маърифий тарбия мустақил давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Юртдошларимизнинг техникавий билими, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қаноти бўлади. Бутун маънавий ва маърифий тарбия ишимизни шу қоидага асосланиб қурмоғимиз, замон, мустақил тараққиётимиз, бозор муносабатлари даври талабидир.

²⁴ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 25-бет.

II.2 Маънавий баркамол инсон тушунчаси, унинг моҳияти.

Аввало шуни айтиш керакки, маънавий баркамол инсон тушунчасининг ўзи кенг камровли, серкирра тушунча. Маънавий баркамол инсон - комил инсон тушунчаси билан ҳамохангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча кирраларини қамраб олади.

Мустақилликка эришиб, маънавият ва маърифат масалаларига биринчи даражали аҳамият беришимиз, мустақилликни мустаҳкамлаш вазифалари, тарбия соҳасида соғлом авлод, маънавий баркамол инсон, комил инсон каби тушунчаларга изоҳ беришни, уларнинг моҳиятини очиб беришни тақозо этмоқда. Юқорида айтганимиздек улар моҳияти бирдай тушунчалар. Инсонни тўғрилиқка, ҳалоллиқка, покликка, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, эзгулиқка ва қўйингчи, юксак ахлоқилиқка йўллаш бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади. Ҳозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг боиси - иймони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари - қўйингчи, маънавияти кучли, миллий масъулият тўйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянгандагина яратилади, қад кўтаради. Бошқача айтганда маънавий баркамол инсонларгина буюк келажакни ярата оладилар. Шунинг учун маънавий баркамол инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш муҳим ва долзарб масала. Бу масалада юртбошимизнинг қўйидаги сабоғи ибратлидир: «Биз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки Шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз» Бу фикрлардан кўриниб турибдики, Шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли, яъни маънавий баркамол, комил инсон ҳисобланади. Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, ҳуқ-атвор нормалари, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадорлиги билан ажралиб туради. Маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаровонлиги, ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайдилар. Улар мутелиқда, қарамлиқда яшашни истамайдилар.

Соғлом деганда, биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни, ақлий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли фарзандларни, авлодни тушунмоғимиз керак. Бундай кишилар ўзларида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари - иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, орномус, ўзаро ҳурмат, юксак Ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат каби қадриятларни ва ғояларни мужассамлаштирган бўлишлари лозим.

Президентимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди, яъни ҳар бир фуқаро:

- ўз ҳақ-ҳуқуқуни танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;
- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;
- атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;
- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин²⁵.

Булар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий баркамол инсон шон-шухрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганда қадди букилмайди, баъзан уюштирилган тухмату-фитналар унинг руҳини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниқтиради. Юксак даражадаги маънавиятга эга инсон - фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аجدодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради. Инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий-ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни киритиш мумкин: ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, қўни-қўшнилари, маҳалла-қўйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш; теварак-атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга керакли бўлишга интилиши; одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблаш; ота-боболардан, аجدодлардан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлаш; миллий қадриятларни эъзозлаш ва уларга содиқ бўлиб қолиш;

²⁵ Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й. 232-233 бетлар.

ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши; ўзаро муомала-муносабатда ўрнатилган бўлишга мойиллик, бировнинг оғирини енгил қилишни одат қилиш; умумхалқ маъқуллаган ва ҳукумат томонидан қонуний қабул қилинган Конституцияни ҳурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш; Ватанни ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, ҳарбий-ватанпарварлик туйғулари билан яшаш; диёнат ва адолат, меҳр-шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилиш; ваъдага вафоли бўлиш ва бошқалар киради. Маънавий баркамол инсон фазилатларининг асосий қирралари изоҳи келгуси маърузаларимизда баён қилинишини назарда тутиб, ушбу маъруза доирасида улар ҳақида тўхташни лозим топмадик.

Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирралари ва мезонлари қаторига мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор ҳам киради. Мустақиллик тафаккурини ҳар бир кишида, айниқса Сиз каби талабаларда шакллантириш ниҳоятда зарур. Токи, мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор, ғурур бўлмас экан, фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби хислатлар жўш урмайди.

Мустақиллик тафаккури кенг қамровли бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ватан истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш;
- халқи, юрти қадр-қиммати, ор-номусини англаш ва буни ҳимоя қилиш;
- бугун меҳнати, истеъдоди, имкониятини, зарур бўлса жонини ҳам юрт истиқболи, халқ бахти учун бахшида этиш ва бошқалар.

Мустақиллик, бу - бизга аجدодларимиз қолдирган бой ва муқаддас маънавийдир. Шу маънавийни ҳар биримиз авайлаб-асрашимиз давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа ва бурчдир. Шу вазифани амалга ошириш ва ҳал қилишда ёшлар ва бутун халқ онига мустақиллик руҳини сингдириш катта аҳамият касб этади.

Маънавий-маърифий баркамолликнинг қирраларидан бири миллий ифтихордир. Миллий ғурур бу миллий ифтихордир. Миллий ғурур ўз халқининг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун

қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Бундай кишиларни маънавий баркамол инсон дея олмаймиз.

Шундай қилиб, юқорида маънавий баркамол инсон, унинг моҳияти ва асосий қирраларининг баъзи жихатлари устидагина фикр юритдик. Унинг қолган баъзи қирралари навбатдаги савол ва маърузалар баёнида ёритиб борилади.

II.3 Комил инсон ва унинг Шарқона фазилатлари.

Юқорида айтганимиздек, комил инсон тушунчаси маънавий баркамол инсон тушунчаси билан ҳамохангдир. Маънавий баркамолликка эришмай комил инсон даражасига етиш мумкин эмас. Демак, маънавий баркамолликка интилиш - бу комил инсон даражасига эришиш учун интилишдир. Комилликка инсон бутун умри давомида эришиб боради. Учала тушунча: соғлом авлод, маънавий баркамол, комил инсон - даражама-даража чуқур маъно касб этади. Шундан келиб чиқадиган бўлса, комил инсон бўлишнинг аниқ чеки ва чегараси йўқ. Бизнинг кўҳна тарихимизда юзага келган, халқ, мамлакат тарихида катта маънавий-ахлоқий тарбия ролини ўйнаган тасаввуф комил инсон назарияси ҳақидаги, уни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақидаги таълимот ва амалиёт саналади. Мазкур саволни тасаввуф таълимотидан келиб чиққан ҳолда баён этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Комил инсон биз учун идеалдир. У барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу каромати сероб, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим тўла покиза зот. Комил инсон одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждонларидир. Кишилар уларга қараб хушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўз қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиладилар. Комил инсонларнинг афёлу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Комил инсон ҳақида тасаввуф адабиётида кўп асарлар битилган. Ана шундай кишилардан бири XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий бўлиб, «Инсони комил» номли рисоласида комил инсонга таъриф бериб шундай ёзади: «Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолатга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларга тайёр туради.

Яхши сифатларни эгаллаб борган одам комил инсон мартабасига кўтарила олади. Комил инсон - инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва доноси. Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. Инсонлар комилликка ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комил бўлади.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Шулардан баъзиларини санаб ўтамиз. Чунончи, Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Ғулистон», «Бўстон», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний» ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган.

Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улўғ мутафаккир қуйидагиларни киритади: тавба, ҳалол лўқма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик, чўчук тилли бўлиш - яхши, мулойим тилли бўлиш, раҳмдил бўлиш, саҳий бўлиш, мард бўлиш, ҳалимлик, хушхўлқ бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан қўрқмаслик ва бошқалар.

Шу тариқа ўтмишда, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Комил инсон ҳақидаги ғоялар катта ижтимоий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлган. У инсонни шарафли, эзгулик ва буюк хайр руҳида тарбиялаш, меҳру муҳаббат, вафо ва садоқатни кўчатиришга хизмат қилиб келди. Ҳар замон, ҳар лаҳзада инсонларга уларнинг инсонлигини эслатиб, ёвуз, қабих ишлар, ноўй ҳатти-ҳаракат ва қилиқлардан сақланишга кўмаклашди, уларда иймон ва виждон биносининг пайдо бўлишини таъминлайди.

Комил инсон иймон ва эътиқодлилиқ, ҳалоллик ва покликнинг олий тимсоли. Биз ҳаммамиз шўнга интилиб яшамоғимиз лозим. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида иймонли бўлиш, ҳалоллик ва поклик, виждонли ва диёнатли бўлиш нечоғлик зарур эканлиги ҳаммамизга аён. Мана шўнинг учун ҳам Президентимиз маънавий баркамол инсон тарбиясида ёшларимизни элини, ватанини севувчи комил инсон қилиб тарбиялаш ишига алоҳида аҳамият бериб келаётир. Президентимизнинг қуйидаги таърифида комил инсоннинг асосий хусусиятлари ҳар тарафлама чўқур ва теранлик билан баён қилиб берилганлиги диққатга сазовордир: «Комил инсон деганда, - деб ёзади Ислўм Каримов, - биз аввало, онги юксак, мустақил

фикрлай оладиган, хулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»²⁶.

Унинг шаклланганлиги даражасини характерловчи энг муҳим фазилатлар эса қуйидагилардир: ақлий зукколик, ҳуқуқий комиллик, ахлоқий етуклик, сиёсий теранлик, меҳнатга ҳалол муносабат, юксак маданий, маънавий савия, профессионал ифтихор, миллий ва умуминсоний ғурур ва бошқалар.

Юқоридагиларни ҳозирги мустақил ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг интилишлари билан боғлаб комил инсон чизгиларига қуйидаги хислат ва фазилатлар киришини умумий тарзда баён этишимиз мумкин:

Комил инсоннинг умумий хислатлари: ёқимлилиқ, кўркемлиқ, жозибадорлиқ, салобатлилиқ, ҳурматга сазоворлиқ, шоироналиқ, улўфсифатлиқ, ўзига ҳослиқ, етуклиқ, жиддийлиқ, маданиятлиқ, тарбияланганлиқ ва бошқалар;

Комил инсоннинг ахлоқий фазилатлари: инсонпарварлиқ, дўстлиқ, ғамхўрлиқ, жонкуярлиқ, самимийлиқ, одамийлиқ, болажонлиқ, иймонлилиқ, фидокорлиқ, ҳушмуомалалиқ, боадаблиқ, илтифотлилиқ, кечиримлилиқ, меҳмондўстлиқ, ҳалоллиқ, тўғрилиқ, диёнатлилиқ, ҳаромдан ҳазар этиш, меҳнатсеварлиқ, ватанпарварлиқ ва ҳақозолар;

Ишбилармонлиқ хислатлари: ишчанлиқ, тиришқоқлиқ, серҳаракатлилиқ, масъулиятлилиқ, инсофлилиқ, ҳалоллиқ, малакалиқ, эпчиллиқ, удабуронлиқ, саранжом-сарипталиқ, тадбиркорлиқ, аниқлиқ, тежамкорлиқ, баркамоллиқ, таъмасизлиқ, таваккалчилиқ ва бошқалар;

Зукколиқ, идроклилиқ фазилатлари: зеҳнлилиқ, бамаънилиқ, хотиржамлиқ, соғлом фикрлилиқ, донишмандлиқ, сезгирлиқ, заковатлилиқ, топқирлиқ, нотиқлиқ, танқидийлиқ, дадиллиқ, омилкорлиқ, саводхонлиқ, қизиқувчанлиқ, ишқибозлиқ кабилар;

Собитлиқ хислатлари: фаоллиқ, қатъиятлиқ, тезкорлиқ, жўшқинлиқ, саботлилиқ, бир сўзда туришлиқ, барқарорлиқ, ботирлиқ, довюраклиқ, интизомлилиқ, жиддийлиқ, нафси тийишлиқ, ўзини йўкотмаслиқ, совуққонлиқ, ўзига талабчанлиқ, камсуқумлиқ, ўзини ўзи идора эта билиш ва бошқалар.

²⁶ Каримов И. Тарихий ҳотирасиз келажак йўқ. 6-бет.

Эҳтирослилик хислатлари: кўтаринкилик, тантанаворлик, кулиб турувчанлик, хазинлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сақламаслик, олижаноблик, оташинлик, нозик табиатлилик, ҳаёлилик, хижолатпазлик, ифбатлилик ва ҳақозолар.

Бизнингча, айти шу хислат ва фазилатларни ёшларимиз онгига сингдира борилиши уларни баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик руҳида янгича фикрлайдиган фозил, комил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини аъло даражада ҳис этадитган шахс бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, ҳар қайси комил инсон, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва ҳар дам шу ақида билан яшашимиз керак.

Хулоса

Ушбу битирув малакавий ишда президент Ислон Каримов асарларида маънавият масаласи тушунчасини баён этилар экан, охириги йиллар мобайнида кўпчилик зиёлиларимиз маънавият нима деган саволга жавоб излаб, қизғин изланиш ишлари олиб бораётганликларини айтиш жоиз бўлади. Бунга сабаб маънавиятнинг кўп қиррали тушунча эканлигидир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг якқол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички руҳий - ботиний томонларини ҳам қамраб олганлигидадир.

Аввало, маънавият - инсонни жамийки бошқа мавжудотлардан ажратиб туришини алоҳида тушунтириб ўтиш лозим. Инсон - табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда қўрмаймиз.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озик ва қувват берса, маънавият унга руҳий озик ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш - онгсиз ва руҳсиз махлуқотларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзотгагина хос фазилатдир. Маънавият одамнинг руҳий ва ақлий олами мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Юқорида айтганимиздек, маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул.

Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият шундай сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди.

Бу борада ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг назарий қараш-ларига, миллий қадриятларимизни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз, уни ўзимиз учун дастуруламал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида, маънавият ҳам борлиқ, табиат, жамият каби узлуксиз ҳаракатдаги жараён эканлигини, инсон фикри, тафаккури, ҳис-туйғуси тиним билмаганидек, уларнинг махсули бўлмиш маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлишини уқдириб: «Маънавият авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган куч...²⁷» деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари қамраб олинган бўлиб, биз бундан буён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз.

Кейинги пайтларда маънавиятга оид эълон қилинаётган мақолаларда, ўтказилаётган анжуманларда «Маънавият» тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллат тараққиётидаги ўрнига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таниқли файласуф А.Жалолов «Мустақиллик маъсулияти» асарида «Маънавият - инсоннинг зот белгиси,

²⁷ Туркистон газетаси, 1999 йил февраль.

унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули»²⁸, - деб таърифлаган. «Хаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти» мақоласида бу таърифни янада кенгайтириб, мукамалроқ тарзда қуйидагича таърифлайди: «Маънавият - инсон фаолиятининг рухий мазмуни бўлиб, кишилар унинг воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни, уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёти хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар»²⁹. Муаллиф ўз фикрини давом эттириб, маънавиятсиз ҳаётни қоронғи бир хонага ўхшатади.

Кўринадики, бир муаллифнинг ўзи маънавиятни таърифлашга турлича ёндашадики, бу ҳам маънавиятнинг кўп қамровли тушунча эканлигини кўрсатади.

«Ватан туйғуси» китобининг муаллифлари «Маънавият - жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, рухий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча»³⁰, - деб таърифлаганлар.

Бундан ташқари бир қатор олимларимиз анжуманларда қилган маърузаларида «маънавият - инсондаги ахлоқ, одоб, билим, илм, иймон, ихлос ва инсоният камолоти учун ижобий таъсир қилувчи тизим ёки маънавият - инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий қарашлар йиғиндиси ҳисобланиб, диний ва дунёвий қарашларининг акс этиш даражасидир», деб таъриф бериб келмоқдалар. А. Эрқаевнинг фикрича, «Маънавият - инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуидир»³¹.

Маънавият муаммоси билан анчадан буён шуғулланиб келаётган олимларимиздан бири М. Имомназаров мазкур масалага бағишлаб иккита китоб чиқарди. Муаллиф биринчи китобида «Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...»³², - деб ёзган бўлса, иккинчи китобида «Маънавият - инсон қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат

²⁸ Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Тошкент, Ўқитувчи, 1996, 29-бет.

²⁹ Мулоқот. 1997, № 5, 15-бет.

³⁰ Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент, Ўзбекистон, 1996, 111-бет.

³¹ Эрқаев А. Маънавият - миллат нишони. Тошкент. Маънавият, 1997, 27-бет.

³² Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент: Шарқ, 1996, 6-бет.

нуридир, дейилган таъриф дархақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди»³³, - деб ёзади.

Э. Юсупов инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар эмас, балки ижобийларигина маънавият бўла олишини кўрсатиб: «Маънавият - инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган мушгарақ тизимдир»³⁴, - деб таърифлайди.

Албатта, юқорида келтирилган фикрларнинг ҳаммасида ҳам маънавиятнинг қўпгина қирралари ўз ифодасини топган ва уларда муаллифлар ўзларининг нуқтаи назарларини билдирганлар, аммо уларда инсон салоҳиятини ўстириш масаласи эътибордан четда қолганлиги кўринади. Ҳали яна қўплаб олимларимиз маънавият тушунчасига ўз муносабатларини билдирадилар ва ана шу билдирилган турли фикрлар асосида умумий мукаммал таъриф шаклланади, деган умиддамиз.

Ҳалига қадар маънавият тушунчасига мукаммал таъриф шаклланма-ганлиги сабаб унинг кенг қамровли, мураккаб ва айни вақтда «соғда» тушунча эканлигида. Маънавият кўпроқ инсоннинг ички, ботиний, яширин дунёсини акс эттиришдир. Инсон ички, ботиний дунёси эса гавҳар тўла тубсиз денгиз сингаридир. Бу денгиздан қанча гавҳар олсангиз тугамагани сингари инсон ички дунёси ҳам тубсиз, ранг-баранг тарзда намоён бўлади. Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз, шунчалик турли-туманлик билан товланиб, ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этади. Мана шунинг учун ҳам маънавият тушунчасига мукаммал, ҳар тарафлама тўлиқ таъриф бериш мушкулроқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маънавият - **инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жохилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир**, - деб таъриф бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу таъриф энг охириги, қиёмига етган, мукаммал деб, айтишимиз мумкин эмас.

³³ Ўша муаллиф. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Тошкент: Шарқ, 1999, 14-бет

³⁴ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998, 34-бет.

Каримов И.А. айтганидек, маънавият - тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак³⁵.

Таянч сўз ва тушунчалар:

Маънавият - инсоннинг рухиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан ҳунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилияти, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларини қўя билиши, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир.

³⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 74-бет.

Маънавият - инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратувчи ижтимоий ходиса.

Миллат - «миллат» сўзи «ўзак», «туб моҳият», «негиз» деган маънони билдиради.

Миллий маънавият - муайян элат, миллатга, унинг аجدодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлардир.

Умуминсоний маънавият - бутун инсониятга жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий-ахлоқий бойликлардир.

Мерос - инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичда яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейинги авлодга етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир.

Миллий тарбия - у ёки бу миллатни, элатни ташкил этувчи кишиларни миллий маданиятини мерос, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятни ривожлантиришдир, у миллий онг ва миллий ўзлиқни англашнинг субъектидир.

Тасаввуф - суфийлик инсонни ўргатар экан, аввало, кишининг кўнглига, динига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказиш ва интилишдир.

Маърифат - билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш кураш, воситасидир.

Миллий ғоя - миллатнинг ўтмиши, бугуни, истикболи, манфаат ва мақсадини ифодаловчи ижтимоий ғоя.

Миллий қариятлар - миллий мафқуранинг тарбиявий элементи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Президент Каримов И.А. асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисдаги маърузаси. «Халқ сўзи» газ. 2007 йил 31 август.
2. Каримов И.А. Шарқ гавҳари, замин сайқали. Президент Ислам Каримовнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи. «Халқ сўзи» газ. 2007 йил 26 август.
3. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент Ислам Каримовнинг “Туркистон – пресс” нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. «Халқ сўзи» газ. 2007 йил 23 февраль.
4. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

5. Каримов И.А. Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди. Президент Ислом Каримовнинг Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи” газ. 2006 йил 3 ноябрь.
6. Каримов И.А. Муаззам ва мукаррам шаҳар шодиёнаси. Президент Ислом Каримовнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. “Халқ сўзи” газ. 2006 йил 28 октябрь.
7. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзлаган нутқи, Халқ сўзи, 2005 йил, 7 декабрь.

Қўшимча адабиётлар:

1. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: Шарқ, 1994.
2. Имом Бухорий. Ҳадис, 4 жилдлик. -Т.: 1992, 1-жилд.
3. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. Т. Академия, 2003.
4. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. -Т.: Моварауннаҳр, 2001.
5. Авесто. -Т.: Шарқ, 2001.
6. Бобоев Х. Авесто маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: Адолат, 2001.
7. Имомназаров И., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. -Т.: Тошкент Ислом Университети. 2001.
8. Кайковус. Қобуснома. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
9. Каримов Т. Миллий тафаккур тараққиётидан. -Т.: Чўлпон, 2003.
10. Комиллик ўғитлари. -Т.: Молия, 2003.
11. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
12. Маънавият асослари курсидан намунавий дастур. -Т.: Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, 2004.
13. Маънавият юлдузлари. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.

14. Мусурмонова О. Оила маънавияти - миллий ғурур. -Т.: Ўқитувчи, 1999.
15. Носирхўжаев С.Х. Маънавият асослари. -Т.: ФАН, 2002.
16. Отамуродов С. ва бошқалар Маънавият асослари (маърузалар матни). -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
17. Саифназаров И ва бошқалар. Халқимиз ҳамжихатлиги-терроризмга қарши кафолатдир. -Т.: Янги аср авлоди, 2004.
18. Саифназаров И ва бошқалар. Иқтисодий ва маънавий манфатлар уйғунлиги ва баркамол авлод тарбияси. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
19. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. -Т.: Шарқ, 2001.
20. Саифназаров И. Иқтисодий ва маънавий манфаатлар уйғунлиги ва баркамол авлод тарбияси. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.
21. Эргашев К. Ёшлар маънавиятини юксалтириш йўллари. -Т.: Ўзбекистон, 2002.
22. Эргашев И. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Т.: Академия, 2002.
23. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. -Т.: Университет, 1998. 34-59-б.
24. Юсупов Э. Оила-маънавият булоғи. -Т.: ЎзМУ, 2003, 129-б.
25. Шарифхўжаев М., Рахимов Ф. Даврни белгилаб берган инсон. -Т.: 2004, 93-206-б.
26. Қуръони Карим. -Т.: Тошкент Ислом Университети, 2001. 2-49-б.
27. Ҳадислар тўплами. Қомуслар бош таҳририяти. -Т.: 1998, 77-149-б.
28. Мустақилликнинг изохли луғати. -Т.: 2003.
29. Чориев С. Сиёсий етук шахс. -Т.: 2004.